

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 4 июнь, № 113 (9284) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ ФОРУМДА ЎЗИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил 4 — 5 июнь кунлари Россияга амалий ташрифи доирасида Петербург халқаро иқтисодий форумида (ПХИФ) иштирок этади.**

Петербург халқаро иқтисодий форуми анъанавий тарзда жаҳон иқтисодиёти, инвестициявий ҳамкорлик ва ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун энг йирик халқаро майдонлардан бири бўлиб келмоқда.

Ушбу нуфузли форум дунёнинг турли минтақаларидан давлат тузилмалари, халқаро ташкилотлар, ишбилармон доиралар ва экспертлар ҳамжамияти вакилларини бирлаштиради.

Ўтган йилги форум тадбирларида 144 давлатдан 24 мингдан зиёд вакиллар қатнашган. Унда умумий қиймати 6,5 триллион рублдан (тахминан 70 миллиард АҚШ доллари) ортиқ бўлган 1116 та битим имзоланган. Бу ПХИФнинг юксак халқаро нуфузидан ва унинг замонавий иқтисодий кун тартибини шакллантиришдаги роли ортиб бораётганидан далолат беради.

Кўп йиллардан буён форум халқаро савдо, инвестициявий шериклик, саноат кооперацияси ва транспорт-логистика ўзаро боғлиқлигини ривожлантиришга доир ёндашувларни ишлаб чиқиш учун нуфузли платформа мақомини сақлаб келмоқда. Форумнинг замонавий кун тартиби рақамли трансформация ва юқори технологиялардан тортиб энергетика, инфратузилма ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишгача бўлган кенг кўламли йўналишларни қамраб олади.

Ўзбекистон Президентининг “ПХИФ — 2026”даги иштироки мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Ташриф дастури доирасида Ўзбекистон Президентининг форум ялпи мажлисида нутқ сўзлаши, шунингдек, “ПХИФ — 2026” жараёнида қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказиши кўзда тутилган.

Форум истиқболли инвестициявий ташаббусларни илгари суриш, саноат кооперацияси ва транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг шаклланаётган Евроосиё иқтисодий маконидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон делегацияси кун тартибида мамлакатимизни стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари боғлаб турган Россия билан кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базаси, жумладан, 2004 йилги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда 2022 йилги Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация шакллантирилди.

Олий даражадаги мунтазам учрашувлар сиёсий мулоқотнинг юқори даражасидан ва икки томонлама муносабатларнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради. Икки мамлакат ҳукуматлари, парламентлари, ташқи сиёсат идоралари, ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорлик фаол мустаҳкамланиб бормоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ҳукумат раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссия ҳамда “Россия — Ўзбекистон” минтақалараро форуми амалий ҳамкорликнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади. Бу форматлар савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни илгари суриш ва ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик сўнгги йилларда барқарор ижобий ўсиш суръатини намоён этмоқда ва икки томонлама шерикликнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Икки мамлакат ўртасида эркин савдо режими амал қилади, бу эса ўзаро товар айирбошлаш, сармоявий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини изчил кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

2025 йил якунларига кўра Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 8,5 фоизга ўсиб, 12,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда экспорт 4,3 миллиард долларга, импорт эса 8,6 миллиард долларга етди. 2026 йилнинг январь — апрель ойларида ўзаро савдо ҳажми 4,5 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 35 фоиз кўпдир.

Сармоявий ҳамкорлик икки томонлама алоқалар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Қўшма лойиҳаларнинг жорий портфели 43,9 миллиард долларга баҳоланмоқда. Кон-металлургия, ёқилғи-энергетика, кимё, аграр соҳа, машинасозлик ва тўқимачилик тармоқлари устувор йўналишлар сирасига киради.

2026 йил 1 май ҳолатига кўра Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокидаги 3,2 мингдан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Бу Россия бизнесининг юқори даражадаги ишбилармонлик фаоллигини ҳамда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини акс эттиради.

Шу билан бирга, томонлар транспорт-логистика соҳасидаги ўзаро боғлиқликни кенгайтириш ва янги кооперация занжирларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

“ПХИФ — 2026” доирасида қўшма юқори технологияли ишлаб чиқаришларни илгари суриш, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ва янги транспорт йўлакларини ривожлантиришга алоҳида урғу берилиши кутилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ПХИФ ишбилармон доиралар ўртасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, истиқболли ташаббусларни илгари суриш ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишда самарали механизм вазифасини ўтайди.

Анъанавий тарзда Петербург халқаро иқтисодий форуми кўп томонлама ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантириш учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Турли давлатлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи ишбилармон доиралар вакилларининг иштироки Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий манфаатларини янада кенгроқ илгари суриш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Ўзбекистон делегациясининг “ПХИФ — 2026”даги иштироки ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Россия стратегик шериклигини янада кенгайтириш, қўшма сармоявий ташаббусларни илгари суриш ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшимча туртки бериши кўзда тутилган.

**«Дунё» АА.**

Нуқтаи назар

## АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ РИВОЖИДА МУҲИМ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

*Бугунги кунда дунёда энергияга талаб тобора ошиб бормоқда. Шу боис атом энергетикаси барқарор ва ишончли энергия манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.*

Тарихга назар ташласак, биринчи атом электр станцияси 1954 йилда Россия Федерациясининг Обнинск шаҳрида ишга туширилган. Бу инсоният тарихида атом энергиясини тинч мақсадларда қўллашга йўл очган муҳим қадам бўлган.

Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЕ) ва шунга яқин манбаларнинг расмий маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёдаги 30 дан ортиқ давлатларда 400 дан зиёд атом реакторлари ишлаб турибди. Улар жаҳон электр энергиясининг қарийб 9-10 фоизини таъминламоқда. Айниқса, АҚШ, Франция, Хитой ва Россия каби давлатлар атом энергетикасидан кенг фойдаланяпти. Бугунги кунда эса яна 70 дан ортиқ янги реакторлар қурилмоқда.

### Ўзбекистонда АЭС: нега бу муҳим?

Ўзбекистонда бугунги кунда аҳоли ва саноат ўсиши ҳисобига электр энергиясига талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда, мавжуд манбалар эса чекланган. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда атом электр станциясининг (АЭС) қурилиши Ўзбекистоннинг энергетик хавфсизлиги, иқтисодий ўсиши ва илмий тараққиётини белгилаб берувчи стратегик лойиҳа ҳисобланади. Лойиҳа Россиянинг “Росатом” атом энергияси соҳасидаги давлат корпорацияси ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиҳа доирасида ҳар бири 55 МВт қувватга эга иккита юқори хавфсизлик даражасини таъминловчи кичик қувватли энергоблок барпо этилиши назарда тутилган.

Атом энергетикаси агентлиги маълумотига кўра, “Росатом” давлат корпорацияси билан атом энергетикаси ва у билан боғлиқ соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида интеграциялашган атом электр станциясини қуриш бўйича шартномага қўшимча келишув имзоланган.

Мазкур келишувга мувофиқ станциянинг янгиланган конфигурацияси тасдиқланган, яъни келажакда “ВВЕР-1000” туридаги “3+” авлод реакторлари билан жиҳозланган иккита энергоблок қурилиши назарда тутилган.

Бу станциялар тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг йилига тахминан 15,4 млрд. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса Ўзбекистондаги умумий электр энергияси истеъмолининг 15 фоиздан ортиғини ташкил этади.

### Лойиҳа нима беради?

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида, аввало, узлуксиз электр энергияси манбаи шаклланиб, электр энергияга талабни қисман таъминлайди ва таннарх барқарорлашади.

Шунингдек, Ўзбекистонда АЭС қурилиши энергия мустақиллигини таъминлаш, экологик тоза энергия манбаини шакллантириш ва илмий-техник ривожланиш суръатларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Мазкур лойиҳа оддий энергетик ташаббус эмас, балки стратегик, технологик ва илмий тараққиётнинг муҳим драйвери ҳисобланади.

Қурилиш босқичида, эксплуатация жараёнида ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари яратилади. Шу билан бирга металлургия, машинасозлик ва автоматлаштириш каби саноат тармоқларининг ривожланишига туртки берилади.

АЭС билан бир қаторда радиация мониторинги, авария ҳолатларини моделлаштириш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган замонавий назорат тизимлари ҳам ривожлантирилади.

### Станция хавфсизлиги қандай таъминланади?

Ўзбекистонда атом электр станцияси қуриш лойиҳаси доирасида хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада барча қарорлар илмий таҳлил ва халқаро стандартлар асосида қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

➔ 2

## МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Сербия Республикаси Халқ йиғилиши таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлиб турибди. Ташриф доирасида парламент юқори палатаси раҳбари Парламентлараро Иттифоқ Парламентлар аёл аъзолари глобал конференциясида қатнашди.*

Ҳамкорлик

Анжуман кун тартибидан ўрин олган тадбирлар режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева қатор учрашувлар ҳам ўтказди. Хусусан, Белград шаҳрида Сербия Республикаси Халқ йиғилиши Спикери Ана Брнабич билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда изчил ривожланиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани қайд этилди. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги очиқ ва ишончли мулоқот ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ана Брнабич Сербия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг муҳим ва истиқболли ҳамкорларидан бири сифатида ҳисоблашини билдириб, парламентлараро алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Мавжуд салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни кенгайтириш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, делегациялар алмашинувини кенгайтириш ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Якунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сербия Республикаси Халқ йиғилиши ўртасида парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

➔ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2025 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.*



Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва ғоялари асосида бюджет маблағларини шакллантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш механизмлари изчил такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, қуйи палата қўмиталарида ҳар чорак якуни бўйича бюджет маблағларининг сарфланиши, ривожлантириш дастурлари доирасида белгиланган мақсадли индикаторлар ҳамда Давлат бюджети параметрлари прогнозининг ижроси юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам эшитиб келинмоқда.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда жаҳондаги геосиёсий зиддиятлар кучайиб, глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар чуқурлашаётганлигига қарамай Президентимизнинг доимий эътибори ва узоқни кўзлаган сиёсати натижасида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга эришилмоқда.

➔ 3

## МИЛЛАТ ШАВКАТИ ВА САМАРҚАНД РУҲИ

**Тарих, тафаккур ва янгиланиш ҳақида мушоҳадалар**

*“Халқ сўзи” газетасида шундай мақолалар чоп этиладики, уларни шунчаки ўқиб чиқиш билан чекланиб бўлмайди. Бундай материаллар ўқувчини ўйлашга, хотира қатларига мурожаат қилишга, кеча ва бугунни таққослаб кўришга ундайди. Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Миллат шавкати” номли мақоласини ана шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.*




Акс садо

Мақола илк қарашда Самарқанд ҳақида, унинг тарихи ва кейинги йиллардаги тараққиёти тўғрисида ҳикоя қилаётгандек туюлади. Бироқ матнга чуқурроқ назар ташланса, унинг марказида миллат тақдири, миллий хотира, давлатчилик анъаналари ва тарихий меросни замонавий тараққиёт билан уйғунлаштириш масаласи тургани англашилади.

Самарқанд ҳақида сўз кетганда аксарият инсонлар кўз олдига Регистон майдони, кўк гумбазлар, қадимий мадрасалар ва улуғ аждодлар сиймосини келтиради. Бу табиий ҳол. Чунки Самарқанд асрлар давомида нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун инсоният цивилизациясининг муҳим марказларидан бири бўлиб келган. Мақола муаллифи айнан шу нуқтада муҳим бир фикрни илгари суради: Самарқандни фақат музей сифатида қабул қилиш унинг ҳақиқий моҳиятини англамаслик демакдир.

Дарҳақиқат, тарихий шаҳарлар фақат деворлар ва ёдгорликлардан иборат эмас. Улар инсонлар хотираси, миллатнинг руҳий тажрибаси, асрлар давомида шаклланган маданий кодни ҳам ўзида мужассам этади. Агар шаҳарга фақат сайёҳлик объекти сифатида қаралса, унинг ташқи қиёфаси сақланиши мумкин, аммо ички руҳи йўқолади. Шу маънода, мақолада илгари сурилган “Самарқанд руҳини қайта уйғотиш” ғояси алоҳида аҳамиятга эга.

➔ 2



## САЙЁҲЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Факт ва рақамлар

**Шу йил бошидан:**

■ мамлакатимизга **3 миллион**га яқин сайёҳлар келди ва ўсиш суръати **37 фоиз**ни ташкил этди;

■ туризм хизматлари экспорти **48 фоиз** ўсиб, **1,1 миллиард** долларга етди.

**2026 йилда** **12 миллион** туристга хизмат кўрсатиш мақсад қилинган.

**2026-2027 йилларда:**

■ ҳудудларда **31 та** мастер-режа амалга оширилади;

■ туризм қишлоқлари ва маҳаллаларининг умумий сони **84 тага** етказилади.

**2030 йил** **20 миллион** хорижий сайёҳни жалб қилиш режалаштирилган.



# МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

1 Шунингдек, Сенат Раиси Парламентлараро Иттифоқ Парламентлар аёл аъзолари глобал конференцияси доирасида Венгрия Миллий ассамблеяси Спикери Агнеш Форстхоффер билан ҳам учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли ташаббусларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Икки давлат ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Амалий мулоқотларни фаоллаштириш, парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳлар ҳамда ёш парламент аъзолари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, ҳудудлараро шерикликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Сенат Раиси Венгрия парламенти вакилларини жорий йилнинг 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқнинг Ёш парламент аъзолари глобал конференциясида иштирок этишга таклиф қилди.

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА

*Белград шаҳрида Ўзбекистон ва Сербия парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари аъзоларининг учрашуви бўлиб ўтди.*

**Учрашув**

Мулоқотда Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқалар изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Шунингдек, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Учрашувда парламентларнинг раҳбарияти ва қўмиталари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ҳамда таҳлилий-тадқиқот фаолияти соҳаларида тажриба алмашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, халқаро парламент ташкилотлари доирасида ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро ташрифлар ва қўшма тадбирларни мунтазам ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сербия Республикаси Халқ йиғилиши ўртасида парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида имзоланган Англашув меморандумининг аҳамияти алоҳида қайд этилди. Таъкидланганидек, ҳужжат парламентлараро мулоқотни янада ривожлантириш, қонун ижодкорлиги фаолиятида тажриба алмашишни кенгайтириш, шунингдек, халқаро парламент ташкилотлари доирасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва ташкилий асос яратади.

Томонлар парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва амалий мулоқотни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# АЁЛЛАР ДУНЁНИ БИРЛАШТИРАДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган "Аёллар бахти ҳудуди" халқаро форумида қатнашди.*



**Халқаро форум**

Тадбир доирасида Бошқирдистон Республикаси раҳбари Радий Хабиров ҳамда "Территория счастья" хайрия жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Каринэ Хабирова билан учрашувлар ўтказилди.

Форумнинг "Аёл дунёни бирлаштиради" мавзуидаги сессиясида О. Қозихонова маъруза қилиб, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилаётган Осиё хотин-қизлари форуми, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда аёлларнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги роли хусусида тақдимот ўтказилди.

Муҳокамалар давомида хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари юзасидан фикр алмашилди. Форум иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди ҳамда гуманитар ва маданий соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга қизиқиш билдирилди.

Форум иштирокчилари Бошқирдистон Республикасида хайрия фаолияти ва паллиатив тиббий ёрдам соҳасида тўпланган илғор тажрибалар ҳамда Уфа шаҳридаги "Уфа хосписи" фаолияти билан танишди.

## Ўрганиш

# ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутатлари билан биргаликда Ўзбекистон туманидаги "Янги Ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркорлик билан шуғулланаётган М. Ғофурованинг фаолиятини ўрганди.*

Ҳунармандчилик ва касаначилик йўналишларида амалга оширилаётган ишлар, яратилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги фаолият билан яқиндан танишилди.

Таъкидланганидек, тадбиркор томонидан гиламчилик ҳамда кўрпа-тўшак маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижий мамлакатларда ҳам харидоргир бўлиб, бугунги кунда Туркия ва Қирғизистонга экспорт қилинмоқда.

Мазкур фаолият натижасида 100 нафардан ортиқ ҳунарманд ва касаначиларнинг доимий бандлиги таъминланган. Бу эса ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда оилалар даромадларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида тадбиркорликни янада ривожлантириш, экспорт ҳажмини кенгайтириш ва хотин-қизлар бандлигини қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўрганишлар якунида сенатор томонидан амалга оширилаётган ишлар ижобий баҳоланиб, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тегишли тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# НУРОНИЙЛАР ҚАДИМ ТУРКИСТОНДА

*Наманган вилоятининг бир гуруҳ фаол нуронийлари учун Қозоғистон Республикасининг Туркистон шаҳрига зиёрат ва маърифий сафар ташкил этилди. Бу хайрли тадбирни уюштиришда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Икромхон Нажмиддинов ташаббус кўрсатди.*

**Зиёрат**

Нуронийлар дастлаб Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган янги масжид мажмуасини зиёрат қилишди. Муҳташам меъморий ечимлари, нафис безаклари, обод ҳамда файзли муҳити билан ажралиб турувчи ушбу мажмуа нуронийларда катта таассурот қолдирди.

Сафарнинг навбатдаги манзили туркий халқлар ва ислом оламининг буюк мутафаккири, аллома Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси бўлди. Зиёратчилар ушбу муқаддас қадамжода бўлишиб, алломанинг бой маънавий мероси, ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишди.

Таъкидланганидек, мазкур сафар иштирокчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, тарихий меросга ҳурматни мустаҳкамлаш ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада кучайтиришга хизмат қилади.

# АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ РИВОЖИДА МУҲИМ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

1 "Радиация ва ядро хавфсизлиги илмий-техник маркази" давлат муассасаси томонидан "РИТМ-200Н" реактор қурилмасига эга бўлган атом электр станциясининг 1 ва 2-энергоблоклари бўйича хавфсизликни асословчи ҳужжатлар атрофлича ўрганилди.



Мутахассислар томонидан ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек, Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) талаб ва тавсияларига мувофиқ равишда чуқур таҳлил қилинди. Бунда ҳар бир техник ва хавфсизлик жиҳати синчиклаб кўриб чиқилди. Таҳлил натижаларига кўра, тақдим қилинган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос экани қайд этилди. Бу эса лойиҳанинг хавфсизлик жиҳатдан пухта ишланганини кўрсатади.

## Қурилиш учун майдон тўлиқ ўрганилган

Атом электр станцияси қурилиши режалаштирилган ҳудуд бўйича кенг қамровли экспертиза ишлари амалга оширилди. Унда майдоннинг барча муҳим жиҳатлари ҳар томонлама ўрганилди.

Мутахассислар томонидан ҳудуднинг ядровий, радиация ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мослиги текширилди. Шунингдек, майдоннинг географик жойлашуви, ер тузилиши, аҳоли зичлиги, иқлим шароити ва табиий хусусиятлари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Алоҳида эътибор ер қаърининг ҳолатига қаратилди. Хусусан, тупроқнинг мустаҳкамлиги, ер ости сувлари, сейсмик ҳолат ва бошқа табиий омиллар чуқур ўрганилди. Бу эса келгусида қурилиш ва эксплуатация жараёнларининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, атроф-муҳит ва аҳоли хавфсизлиги масалалари ҳам инобатга олинди. Санитария ҳимоя зоналари, кузатув ҳудудлари ва эҳтимолий фавқулодда ҳолатларда аҳолини эвакуация қилиш режалари ҳам кўриб чиқилди.

Экспертиза доирасида станциянинг авария ҳолатларига тайёргарлик даражаси, атроф-муҳитга таъсири ва умумий хавфсизлик тизими ҳам таҳлил қилинди. Бундан ташқари, қурилиш ишларини амалга оширадиган ташкилотлар фаолияти ва сифат назорати дастурлари ҳам баҳоланди.

Мутахассислар томонидан ўтказилган таҳлиллар натижасида атом электр станциясини Жиззах вилоятида жойлаштиришга тўсқинлик қилувчи меъёрий талабларга зид ҳолатлар аниқланмади.

Ўзбекистонда атом электр станцияси қурилиши мамлакатимизнинг энергетик мустақиллиги, тараққиёти, соҳага доир илм-фанни ривожлантиришга хизмат қилувчи стратегик қадамдир. Энг муҳими, ушбу жараён илмий асосда, халқаро стандартлар ва қатъий хавфсизлик талабларига мос ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса келажакда атом энергетикасини хавфсиз ва ишончли ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади.

**Иброҳим ТОШКЕНТБОЕВ,**
**«Радиация ва ядро хавфсизлиги илмий-техника маркази» ДМ директори.**

# МИЛЛАТ ШАВКАТИ ВА САМАРҚАНД РУҲИ

## Тарих, тафаккур ва янгиланиш ҳақида мушоҳадалар

1 Муаллиф Самарқанд тарихини тилга олар экан, шаҳар ҳаётидаги юксалиш ва таназзул даврларини ўзаро таққослайди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Ялангтўш Баҳодир замонларида шаҳар нафақат меъморий жиҳатдан, балки сиёсий ва маънавий маънода ҳам тараққий этгани таъкидланади. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, мақола муаллифи шаҳарнинг буюклиги фақат бинолар билан эмас, балки унинг атрофида шаклланган давлатчилик муҳити, илм-фан ва маданият тараққиёти билан белгиланишини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, тарихда шундай шаҳарлар борки, уларнинг шуҳрати архитектураси билан эмас, балки инсон тафаккурига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Афина, Рим, Бағдод, Қоҳира, Истанбул каби шаҳарлар қаторида Самарқанд ҳам ана шундай цивилизация марказларидан бири ҳисобланади. Шу боис унинг тақдири ҳақида фикр юритиш фақат бир ҳудуд ўтмиши ҳақида эмас, балки миллат тарихи ҳақида сўзлаш демакдир.

### «Маънавий уйғониш» нима?

Мақоланинг диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири — мустақилликнинг дастлабки йилларига берилган баҳо. Муаллиф бу даврда кўплаб тарихий обидалар таъмирлангани, муқаддас қадамжолар обод қилинганини эътироф этади. Бироқ шу билан бирга шаҳарнинг ҳақиқий руҳий муҳитини тиклаш учун бундан ҳам кенгроқ ёндашув зарур бўлганини таъкидлайди. Бу фикр жуда муҳим. Чунки ҳар қандай мамлакат тараққиётида ташқи ўзгаришлар билан ички эврилишлар бир-бирига мос келиши лозим. Йўллар қуриш, бинолар барпо этиш, инфратузилмани яхшилаш зарур. Аммо одамларнинг онги, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгармас экан, бундай ишлар тўлиқ самара бермайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мақолада кўп учрайдиган "маънавий уйғониш" тушунчаси оддий шиор эмас. У муайян ижтимоий жараённинг мазмунини англатади. Миллат ўз тарихи билан қайта боғланиши, ўзлигини англаши ва келажакка ишонч билан қараши учун маънавий асос керак бўлади. Бундай асос эса тарихий хотира ва миллий ғурур орқали шаклланади.



Муаллиф Самарқандда кейинги йилларда амалга оширилган ўзгаришларни айнан шу нуқтаи назардан баҳолайди. Унинг талқинига кўра, гап фақат янги бинолар ёки ободонлаштириш ишларида эмас. Асосий масала шаҳарнинг тарихий мақомини замонавий ҳаёт билан уйғунлаштиришда намоён бўлади. Бугун Самарқанд халқаро анжуманлар, сиёсий учрашувлар ва йирик дипломатик тадбирлар ўтказиладиган марказга айлангани бежиз эмас. Бу ҳолат шаҳарнинг кўп асрлик тарихи билан ҳамоҳанг. Чунки Самарқанд азалдан турли халқлар, маданиятлар ва давлатларни боғлаб турган муҳим мулоқот майдони бўлган.

Мақоланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф тарихий воқеалар ва замонавий жараёнларни бир-бирига боғлай олган. У Самарқанднинг кечаги ва бугунги қиёфасини таққослар экан, тараққиётнинг асосий кучи сифатида инсон омилини кўрсатади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ўзгаришнинг марказида инсон туради. Тарихий обидаларни ҳам одамлар бунёд этади, иқтисодий ислоҳотларни ҳам улар амалга оширади, маънавий муҳитни ҳам шу кишилар шакллантиради.

Шунинг учун ҳам мақолада шаҳар тарихи билан бир қаторда муайян шахслар фаолиятига катта ўрин берилган. Бу ерда энг муҳими — инсон ва тарих муносабати масаласи. Тарихни фақат бир одам яратмайди. Бироқ айрим даврларда муайян шахслар жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Ана шу нуқтаи назар мақола ғоявий ўзагининг муҳим қисмини ташкил этади.

"Миллат шавкати" мақоласи фақат бир ҳудуд ёки бир давр ҳақида эмас. У миллий хотира, давлатчилик анъаналари, маънавий тикланиш ва тараққиёт фалсафаси тўғрисидаги кенг қамровли мушоҳададир. Муаллиф Самарқанд мисолида миллат тақдири ҳақида фикр юритади, тарих билан замонавийлик ўртасидаги боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилади.

Энг муҳими, мақола ўқувчини бир савол устида ўйлашга ундайди: буюк тарих меросхўри бўлишнинг ўзи етарлими ёки унинг давомчиси бўлиш ҳам зарурми? Ана шу савол атрофидаги мушоҳадалар материалнинг бош ғоясини ташкил этади ва унинг аҳамиятини белгилайди.

### Тараққиётнинг ҳақиқий мезони

Муаллиф Самарқанд ҳақида сўз юритар экан, шаҳарнинг ташқи қиёфаси билан чекланиб қолмайди. Аксинча, ҳар қандай тараққиётнинг ҳақиқий мезони инсон ҳаётидаги ўзгаришлар эканини кўрсатишга интилади. Бу эса материалнинг оддий тарихий ёки хотиравий мақола эмас, балки кенг ижтимоий мазмунга эга публицистик асар эканини намоён қилади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай шаҳарнинг кўрки унинг биноларида эмас, аввало, одамларининг кайфиятида, яшаш шароитида ва эртанги кунга ишончида намоён бўлади. Шу маънода мақолада келтирилган кўплаб мисоллар фақат бир ҳудудда амалга оширилган ишлар ҳақида эмас, балки давлат бошқарувининг муайян фалсафаси бўйича ҳам тасаввур беради.

Мақолада Самарқанд вилоятидаги вазият тасвирланар экан, ўша йилларда йиғилиб қолган муаммолар яширилмайди. Иқтисодиётнинг сустлиги, тадбиркорликнинг етарли даражада ривожланмагани, инфратузилмадаги камчиликлар ва аҳолининг давлатга нисбатан ишончи пасайиб кетгани ҳақида очиқ гапирилади. Бу жиҳат мақоланинг таъсирчанлигини янада оширади. Чунки ҳар қандай муваффақият ҳақида гапириш учун аввало мавжуд муаммоларни тан олиш керак.

Тараққиёт ҳеч қачон бўш жойда пайдо бўлмайди. У ҳар доим мураккаб шароит, жиддий муаммолар ва оғир қарорлар орқали шаклланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мақолада тасвирланган давр нафақат Самарқанд, балки бутун мамлакат ҳаётидаги муҳим босқич сифатида намоён бўлади. Муаллиф алоҳида урғу бераётган масалалардан бири — раҳбарнинг одамлар ичига кириб бориши, вазиятни кабинетдан эмас, бевосита жойларга чиқиб ўрганиши ҳақидаги фикрлар. Бу ҳолат оддий ташкилий усул сифатида кўриниши мумкин. Бироқ унинг замирида давлат бошқарувининг муҳим тамойили мужассам.

Чунки раҳбарликнинг энг катта хатоларидан бири — воқеликни ҳужжатлар орқали қабул қилиш. Ҳужжат рақамларни кўрсатади, ҳисобот натижани акс эттиради, лекин инсоннинг дардини тўлиқ ифода эта олмайди. Шу сабабли ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда халқ қабулхоналари, сайёр қабуллар ва жойларга чиқиб ишлаш амалиётининг кенг қўлланилиши давлат бошқарувида янги ёндашув сифатида баҳоланмоқда.

> *Материалнинг яна бир кучли жиҳати таълим масаласига бағишланган саҳифалардир. Муаллиф таълимни жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили сифатида талқин этади. Дарҳақиқат, иқтисодиётни ҳам, сиёсатни ҳам, маданиятни ҳам инсон ривожлантиради. Уни эса таълим шакллантиради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай мамлакат келажаги мактаб остонасидан бошланади.*

### Соғлом ва билимли авлод ёрқин келажак демак

Материалнинг яна бир кучли жиҳати таълим масаласига бағишланган саҳифалардир. Муаллиф таълимни жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили сифатида талқин этади. Дарҳақиқат, иқтисодиётни ҳам, сиёсатни ҳам, маданиятни ҳам инсон ривожлантиради. Уни эса таълим шакллантиради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай мамлакат келажаги мактаб остонасидан бошланади.

Муаллиф тасвирлаган айрим мактабларнинг аянчли аҳволи ўша даврнинг оғриқли ҳақиқатларидан бири бўлган. Шу сабабли таълим муассасаларини яхшилаш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ўқувчилар учун муносиб шароит яратиш масалалари мақолада муҳим ўрин эгаллайди. Бу ерда диққатга сазовор жиҳат шундаки, муаллиф фақат қурилган бинолар ҳақида эмас, балки таълимга муносабатнинг ўзгариши ҳақида ҳам гапиради. Чунки ҳақиқий тараққиёт айнан инсон капиталига сармоя киритишдан бошланади.

Спорт иншоотлари, ёшлар марказлари ва маданий муассасалар ҳақидаги фикрлар ҳам шу нуқтаи назарнинг давомидир. Чунки жамият келажаги нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки соғлом ва билимли авлод билан белгиланади.

Шу жиҳатдан қараганда, мақола бир ҳудуддаги ишлар ҳақида ҳикоя қилиш билан чекланмайди. У ўқувчини тараққиётнинг ҳақиқий мезонлари ҳақида ўйлашга ундайди. Бу мезонлар бинолар ёки рақамлар эмас, балки инсон ҳаётидаги ижобий ўзгаришлардир.

Мақоланинг ушбу қисмида баён этилган воқеалардан чиқадиган энг муҳим хулоса шуки, ҳар қандай ислоҳотнинг марказида инсон манфаати туриши лозим. Агар амалга оширилаётган ишлар одамларнинг ҳаётини яхшиласа, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтирса, ана шунда тараққиёт ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Самарқанд ҳақидаги ушбу мулоҳазалар эса айнан шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди. Шу билан бирга, замонавий тараққиётнинг асосий шарти сифатида инсон капиталига инвестиция киритиш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим сифати, касбий малака ва инновацион фикрлашни ривожлантириш орқали жамиятнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Бугунги кунда дунё миқёсида кечаётган тезкор ўзгаришлар ҳар бир давлатдан янги ёндашувлар ва самарали ислоҳотларни талаб этмоқда.

Айниқса, ёшларнинг илм-фанга қизиқишини кучайтириш, уларни замонавий технологиялар ва рақамли кўникмалар билан қуроллантириш келажак тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Бу борада таълим муассасалари, илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

### Фаровон жамият қуриш стратегияси

Иқтисодий ўсиш билан бир қаторда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ҳам устувор аҳамиятга эга. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали фаровон жамият қуришга эришиш мумкин. Бу жараёнда давлат ва жамоатчилик институтларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Экологик муаммолар ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва "яшил иқтисодиёт" тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизни белгилайди. Шу маънода, ҳар бир фуқаронинг экологик маданиятини юксалтириш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тараққиёт ва янгиланиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар фақатгина иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки инсон манфаати, ижтимоий адолат ва барқарор ривожланиш тамойиллари билан ҳам баҳоланиши лозим. Ана шундагина жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзини ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида ҳис этади, мамлакатнинг келажаги эса янада порлоқ ва ишончли бўлади. Тараққиёт йўлида эришилаётган ҳар бир ютуқ, аввало, халқимизнинг бирдамлиги, меҳнаткашлиги ва эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарасидир. Бирлашган куч ва умумий мақсадлар сари интилиш мамлакатимиз тараққиётини янги босқичларга олиб чиқишга хизмат қилади.

Янгиланишлар даврида ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, ташаббусимиз ва фаол иштирокимиз билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим. Ана шунда бугунги ислоҳотлар эртанги фаровон ҳаётнинг мустаҳкам пойдеворига айланади.

**Жасур РИЗАЕВ,**
**Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.**

**Мамлакатимизда ҳар йили 1 000 нафар ижодкорни уй-жой билан таъминлаш, 3 000 нафарини бепул даволаш режалаштирилган.**

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2025 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР



1 2025 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми 2024 йилдагига нисбатан 7,7 фоиз, иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлган хизматлар соҳаси 14,7 фоиз ва қурилиш соҳаси 14,2 фоиз ҳамда саноат соҳаси 6,8 фоизга ўсди. Шунингдек, мамлакатда йиллик инфляция 7,3 фоизни ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 81,2 млрд. долларга тенг бўлди. Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар натижасида 2025 йилда жами 591,1 трлн. сўмлик асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, 2024 йилдагига нисбатан 10,5 фоизга ошди.

Давлат бюджети даромадлари 2024 йилдагига нисбатан 116,6 фоиз, Давлат бюджети харажатлари эса 99,3 фоизга бажарилган. Давлат бюджети маблағларининг 47,0 фоизи ёки 180,4 трлн. сўми ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштиришга сарфланиб, ушбу харажатларнинг 86,5 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган.

Ҳисобот даврида иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ўз вақтида тўлаб берилган ҳамда инфляциядан кам бўлмаган миқдорда оширилган.

Муҳокамаларда депутатлар Давлат бюджетининг ижроси аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилганини алоҳида эътироф этди.

Халқ вакиллари таълим соҳасидаги ислоҳотлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, соҳани ривожлантириш учун бюджетдан 84,2 трлн. сўм ёки 2024 йилдагига нисбатан 12,9 трлн. сўм кўп маблағ йўналтирилган. Шунингдек, давлат-хусусий шериклигидаги болалар боғчаларига қарийб 4,0 трлн. сўм субсидия ажратилган. Бунинг натижасида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 32 мингтага етиб, улардаги болалар қамрови 1 миллиондан ошган.

Ҳисобот даврида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш масалалари халқ вакилларининг диққат марказида бўлди. Хусусан, соҳага 43,3 трлн. сўм маблағ йўналтирилгани алоҳида қайд этилди. Бу кўрсаткич 2024 йилдагига нисбатан 7,2 трлн. сўм кўпдир. Бундан ташқари, давлат тиббий суғуртаси тизими билан қамраб олинган тиббиёт муассасалари томонидан 21,6 трлн. сўм маблағ сарфлангани депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Халқ вакиллари 2025 йилда кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси, моддий ёрдам ва компенсациялар учун ажратилган 14,5 трлн. сўм бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини кўриб чиқди.

Муҳокамада камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини изчил оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 11,9 фоизи ёки 45,5 трлн. сўм маблағ йўналтирилганлиги Янги Ўзбекистоннинг "ижтимоий давлат" конституциявий мақомига уйғун ҳолат сифатида баҳоланди.

Халқ вакиллари эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, ҳисобот даврида Давлат бюджети ижросида мавжуд айрим масалаларга ҳам эътибор қаратди. Бюджет ижроси ҳисоботида бюджетдан ташқари жамғармаларнинг молиявий айланмалари бўйича маълумотлар очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, бюджет даромадларини кўпайтириш ва молиявий назоратни кучайтиришга қаратилган қатор таклифлар берилди.

Муҳокамаларда ҳисобот даврида ривожлантириш дастурларига бюджетдан етарлича маблағлар ажратилишига қарамасдан айрим вазирлик ва идоралар томонидан маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги депутатлар эътирозларига сабаб бўлди. Хусусан, Олий таълим, фан ва инновациялар, Спорт, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Инвестициялар, саноат ва савдо, Энергетика вазирликларида бюджет харажатлари ижроси режага нисбатан тўлиқ бажарилмаганлиги танқид қилинди.

Ҳисобот йилида ички аудит хизматлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида жами 827,3 млрд. сўмлик мақсадсиз ва самарасиз харажатларнинг олди олинган бўлса-да, бу борадаги ишлар ҳали суст ва етарли даражада самара бермаётганлигига эътибор қаратилди. Бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш, камомад ва ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари ҳамон учраб тургани, молиявий хато-камчиликларга йўл қўйилаётганини халқ вакиллари танқидий баҳолади.

Мажлисда кун тартибидаги масала юзасидан депутатлар томонидан қатор саволлар кўтарилди.

**Сайёра ЖУМАЕВА,**
**депутат:**



*— Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тасарруфидаги академик лицей битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 93 фоиз этиб белгиланган бўлса-да, амалда 85,8 фоиз бажарилган. Талабалар тураржойларида 12 215 ётоқ ўрни ташкил этиш кўзда тутилган, аммо бу 90,7 фоизга бажарилган. Ажратилган маблағлар мавжуд бўлгани ҳолда ушбу муҳим ижтимоий ва стратегик индикаторларнинг тўлиқ бажарилмасдан қолишига айнан қандай омиллар сабаб бўлди?*

**Сайёра ИМОМОВА,**
**депутат:**



*— Тақдим этилган ҳисоботни таҳлил қилганимизда, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги жамғармалар томонидан маблағларни ишлатишда жиддий сусткашликларга йўл қўйилгани кўринмоқда. Масалан, камбағалликни қисқартириш дастурларига ажратилаётган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган. Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида 40 000 нафар хотин-қизга ажратилиши керак бўлган субсидиялар атиги 7 000 нафар аёлга ажратилган, холос. Ижтимоий соҳада бир қанча йўналишларга ажратилган маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилмаганига, маблағлар эгаларига етказилмаганига асосий сабаб нима?*

Бу каби қатор саволларга вазирликлар томонидан тегишли жавоблар қайтарилиб, тушунтиришлар берилди.

Мажлисда масъул қўмита раиси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижроси танқидий кўриб чиқилгани, берилган саволларга Ҳукумат аъзоларидан атрофлича жавоблар олинганига урғу бериб, ушбу масалалар парламентнинг доимий назоратида эканини таъкидлади. Сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида ҳам ушбу ҳисобот танқидий-таҳлилий кўриб чиқилгани ва қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилгани айтилди.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**
**Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:**



*— Давлат бюджетининг 2025 йилдаги ижроси "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида амалга оширилган. Таҳлиллар жараёнида аҳамият қаратишимиз лозим бўлган муҳим масалалар ҳам борлиги аён бўлди. Жумладан, бюджет даромадлари ва солиқ базасини кенгайтириш бўйича асосий эътиборни солиқ солиш базасини кенгайтириш, иқтисодиётдаги янги "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш ва қўшимча захираларни сафарбар этишга қаратган ҳолда бюджетларга тушумларни тўлиқ таъминлаш чораларини кучайтириш лозим.*

*Солиқ қарздорликлари билан ишлаш бўйича тезкор ундирув чораларини кўриш ҳам зарур. Чунки бугунги кунда юзага келган боқиманда солиқ қарздорлиги бу иқтисодиётимиз ва ижтимоий дастурлар учун ишлаши керак бўлган маблағлардир. Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарздорликни қисқа муддатда тўлиқ ундириш бўйича тезкор ва таъсирчан чораларни кўриш талаб этилади. Шунингдек, "яширин иқтисодиёт" улушини қисқартириш, бизнес учун тенг рақобат муҳитини яратиш борасида тизимли иш олиб бориш барчамизнинг бурчимиз экани давлатимиз раҳбари томонидан устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Бу борада молиявий қонунбузилишлар ва коррупциявий ҳолатларга қарши муросасиз бўлишимиз талаб этилади.*

Мажлисда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари муҳокамадаги масала юзасидан ўз муносабатларини билдирди.

**Актам ҲАИТОВ,**
**ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:**



*— Фракциямиз Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижросини қўллаб-қувватлаган ҳолда Ҳукумат эътиборини қуйидаги асосий масалаларга қаратиш лозим деб ҳисоблайди. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида юқори қўшилган қиймат занжирини шакллантириш орқали тармоқларни таркибий ўзгаришлар (диверсификация) қилишни давом эттириш. Бу орқали иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги функционал ва технологик боғлиқликлар уйғунлаштирилади ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган кластерлашув жараёни рағбатлантирилади. Мамлакатда узлуксиз ва мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлаш, меҳнат бозорида бандлик даражасини ошириш ҳамда миллий экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлади.*

*Президентимизнинг ташаббуслари билан 2026 йил 1 июндан 2030 йил 1 январга қадар асосий фаолият тури умумий овқатланиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўлган тадбиркорларга ихтиёрий равишда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи берилиши, ҚҚС ставкаси товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича барча айланмаларга нисбатан 6 фоиз ҳамда фойда солиғи ставкаси "0" фоиз белгиланиши ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти бекор қилинишини фракциямиз тўлиқ қўллаб-қувватлайди.*

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**"Миллий тикланиш" ДП фракцияси раҳбари:**



*— Алоҳида таъкидлаш жоизки, Давлат бюджети билан боғлиқ масала Қонунчилик палатасида йил давомида муҳокама қилинади. Ҳукумат, тегишли вазирлик, идоралар билан барчамизни қизиқтирган, устувор бўлган масалаларнинг қандай ижро қилинаётгани, маблағлар қандай мақсадларга йўналтирилаётгани, қайси соҳаларда камроқ ёки қайси соҳаларда кўпроқ маблаққа зарурат бўлаётгани, жойларда аниқланган муаммолар доимий эътиборимизда. Бу ҳақда сайловчиларимизга мунтазам ахборот бериб борамиз.*

*Аёнки, мактабгача таълим ва таълим тизими устувор вазифамиз бўлиб келган. Бу соҳаларга маблағлар зарур бўлганидан ҳам кўпроқ ажратиляпти, чунки қамров кенгайиб боряпти. Мамлакатимизда таълим тизими ислоҳ қилиняпти, ёшларнинг билим олиши учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Ажратилаётган маблағларни келажакка, инсон капиталига йўналтирилган инвестиция деб баҳолаймиз. Ижтимоий ҳимояга йўналтирилаётган маблағларни ҳам ана шу сиёсатнинг натижаси сифатида қабул қиламиз.*

*Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак бўлган масала ташаббусли бюджет доирасида ҳар бир депутатга ажратилган 3,5 миллиард сўм маблағ ҳақида. Бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.*

**Робахон МАҲМУДОВА,**
**"Адолат" СДП фракцияси раҳбари:**



*— Фракциямиз ҳисоботни муҳокама қилиш жараёнида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва назоратини янада ошириш лозим деган хулосага келди. Шунингдек, биз Давлат бюджети ижросини таъминлашда ҳудудий давлат органлари ва ижро тузилмаларининг маҳаллий Кенгашлар ҳамда жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини янада кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.*

*Яна бир мулоҳазамиз шундан иборатки, Ҳисоб палатаси тақдим этган хулосалар билан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси юзасидан берилган ҳисоботларда тафовутлар учраб туради. Биз мана шу тафовутларни доимий таҳлил қилиш ва улардан тегишли амалий хулосалар чиқариш тарафдоримиз.*

*Фракциямиз ана шундай изчил ёндашувлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади деб ҳисоблайди. Ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишда парламент назоратини кучайтирамиз.*

*Чунки бюджетдан ажратилаётган ҳар бир сўм ҳар бир фуқаронинг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон қадрини юксалтириш ва аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши зарур. Бу жараённинг доимий назоратини олиб бориш эса биз, депутатларнинг доимий устувор вазифаларимиздан биридир.*

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**ЎзХДП фракцияси раҳбари:**



*— Давлат бюджети партиямиз электорати ҳисобланган аҳолининг ижтимоий заиф қатлами ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлигини эътироф этиш лозим. Шу билан бирга, фракциямиз Ҳукуматнинг эътиборини бир қатор муҳим масалаларга қаратади. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари инфляциясини жиловлаш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш. Бунда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида рақобатни кучайтириш, импорт ва логистика харажатларини камайтириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотларнинг нархи барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозим.*

*Давлат бюджети ижросида натижадорликка эришишга алоҳида эътибор қаратиш, хусусан, янги қурилган ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича назоратни кучайтириш зарур. Хусусан, сайлов округларидаги ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, қатор янги соғлиқни сақлаш объектлари ўтган йили қурилиб битказилган бўлишига қарамасдан штат бирликлари ажратилмагани ёки жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмагани натижасида ҳозиргача фойдаланишга топширилмай келинаётгани кузатилмоқда.*

*Ҳисоботда айтилган бюджет ижросидаги камчиликларни келгусида бартараф этиш мақсадида, аввваламбор, бюджет ижросига нисбатан танқидий ёндашувни кучайтириш, масъул вазирлик, идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарликни юклаш, юзага келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлилдан ўтказиш, очиқ ва таъсирчан чоралар кўриш зарур деб ҳисоблаймиз.*

**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:**



*— 2025 йилги Давлат бюджети ижросини муҳокама қилар эканмиз, масалага экологик барқарорлик, сув хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва "яшил" иқтисодиёт нуқтаи назаридан ҳам баҳо беришимиз лозим.*

*Қайд этиш керакки, бугун экология соҳасига ажратилган маблағлар ўсмоқда. Бу Янги Ўзбекистондаги давлат сиёсатининг экологик устуворликка қаратилаётганини кўрсатади.*

*Марказий Осиёда сув тақчиллиги кучайиб бораётган бир шароитда Давлат бюджетида сув хўжалигига катта эътибор берилмоқда. Иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, шўрланиш ва чўлланишга қарши кураш, агроэкологик ёндашувларни кенг жорий қилиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолиши керак деб ҳисоблаймиз.*

*Ўрмон хўжалигини ривожлантириш ва "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини изчил давом эттириш, яшилликни босқичма-босқич ошириб бориш ҳам муҳим бўлиб, бу бўйича тегишли вазирликка ўз таклиф ва тавсияларимизни бердик.*

*Умуман айтганда, бугун экологияни барқарорлаштиришга сарфланаётган маблағ келажак авлод саломатлигига, сув, озиқ-овқат хавфсизлигига ва албатта, иқтисодий барқарорликка киритилган инвестициядир. Шундай экан, унинг мақсадли ва манзилли таъминланиши устидан парламент назоратини олиб боришимиз айни муддао.*

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

# ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА МОСМИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида транспорт вазири Илҳом Маҳкамовнинг "Темир йўл транспорти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йўловчи ва юк ташиш хизматларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.*

Қонунчилик палатасининг шу йил 31 март куни бўлиб ўтган мажлисида депутатларнинг жойларга чиқиб ўрганишлари жараёнида темир йўл транспорти соҳасида айрим масалалар кузатилаётганидан келиб чиқиб, бу бўйича вазир ахборотини эшитиш юзасидан қарор қабул қилинган эди.

Вазирнинг таъкидлашича, мамлакатимизда сўнгги йилларда темир йўл транспорти соҳаси жадал ривожлантирилиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари ишончли, узлуксиз ва сифатли транспорт хизматлари билан таъминланмоқда. Логистика тизими такомиллашиб, юк ва йўловчи ташиш хизматлари самарадорлиги ошмоқда.

Хусусан, 2023 — 2025 йилларда жами 338,7 км. узунликдаги янги темир йўллар қурилган. Электрлаштирилган темир йўллар улуши 2023 йилдаги 44,4 фоиздан 2025 йилда 53 фоизга етказилган. Мавжуд тармоқни ишончли ҳолда сақлаш мақсадида 2025 йилда 174,1 км. темир йўл тармоқлари жорий ва капитал таъмирдан чиқарилган.

Шунингдек, юк ташиш хизматлари ҳам тизимли олиб борилмоқда. Жумладан, 2023 — 2025 йилларда темир йўл транспорти орқали жами 317,9 млн. тонна юк ташилган. Шундан 137,8 млн. тоннаси халқаро ташувлар ҳиссасига тўғри келган. 2025 йил якунларига кўра, жами юк ташиш ҳажми 107,9 млн. тоннани ташкил этиб, 2024 йилдагига нисбатан 5,1 фоиз ўсиш таъминланган.

Вазирнинг айтишича, соҳада рақамли технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, юк жўнатувчилар учун "Ягона дарча" тамойили асосида "E-nakl" ахборот тизими қўлланилмоқда. Натижада юк ҳужжатларини расмийлаштириш жараёни 7 босқичдан 3 босқичга қисқариб, расмийлаштиришга кетадиган вақт 60 соатгача камайтирилди.

Йўловчи ташишда электрон чипта сотиш улуши 40 фоиздан 86 фоизгача оширилган. Республика бўйича Тошкент — Марказий, Тошкент — Жанубий, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хива, Урганч, Нукус, Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Термиз, Қарши ва Қўнғирот каби вокзалларга 50 дан ортиқ инфокиосклар ўрнатилган.

Транспорт вазири соҳага хусусий секторни жалб этиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Хусусан, темир йўл вокзалларида хизмат кўрсатиш сифати ва сервис турлари сезиларли даражада кенгайган. 2023 йилдан буён республика бўйича 33 та вокзалга жалб қилинган тадбиркорлар сони 90 тадан 270 тагача ошган.

2026 йил биринчи чораги якунларига кўра, темир йўл транспорти хизматлари ҳажми 4,7 трлн. сўмга етказилиб, 28,1 фоиз ўсиш таъминланган. Шу даврда юк ташиш ҳажми 28,0 млн. тоннани, йўловчи ташиш 3,1 млн. нафарни ташкил этган.

Депутатлар вазир ахбороти билан батафсил танишгач, айрим масалаларга эътибор қаратди. Мисол учун, йўловчи ва юк ташишга талаб ортиб бораётганига қарамай мавжуд ҳаракат таркиби ва ишлаб чиқариш қувватлари бу эҳтиёжларни тўлиқ таъминлаш учун етарли эмаслиги, соҳада давлат иштирокидаги корхоналар устунлиги сақланиб қолаётгани айтилди.

Вазирликка вагонлар сони ва сифатини ошириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, мавжуд темир йўл лойиҳалари ижросини жадаллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Халқ вакиллари темир йўл инфратузилмасини модернизация қилишда "яшил" технологиялар ва электрлаштириш кўламини, шунингдек, соҳада рақамлаштириш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида электрон хизматлар турларини кенгайтириш чораларини кўриш борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокамалар давомида кун тартибидаги мазкур масала юзасидан вазирга қатор саволлар ҳам берилди.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



*— 2024 йилда янги таҳрирдаги "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат соҳада давлат бошқаруви ва хавфсизликни таъминлашнинг янги ҳуқуқий пойдевори этиб белгиланди.*

*Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан инфратузилмадан тенг фойдаланиш ва поездлар ҳаракати билан боғлиқ ходимларнинг иш ва дам олиш режимига оид муҳим нормалар тасдиқланди.*

*Айтинг-чи, бу ҳуқуқий ўзгаришлар темир йўл транспортида эркин рақобат муҳитини яратиш ва хусусий операторларнинг бозорга кириши учун қандай амалий қулайликлар яратмоқда? Қонун ижросини таъминлаш орқали йўловчи ва юк ташишдаги хизмат сифатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича назорат механизми қандай йўлга қўйилган?*

Вазир ушбу саволлар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб, бу борадаги ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:**



*— Мамлакатимиз транспорт тизимининг энергия самарадорлигини ошириш ва экологик хавфсизлигини таъминлашда темир йўлларни электрлаштириш энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.*

*Ҳисоботда бу борада сезиларли ўсиш суръатлари акс этганини кўриш мумкин. Хусусан, электрлаштирилган темир йўллар улуши 2023 йилдаги 44,4 фоиздан 2025 йил якунига келиб 53,2 фоизга етказилгани қайд этилган.*

*Келгуси беш йилда республика темир йўлларини электрлаштириш даражасини неча фоизга етказиш ва бу орқали дизель ёнилғисидан фойдаланишни тўлиқ чеклаш бўйича вазирликнинг стратегик режаси қандай?*

Вазир ушбу савол юзасидан жавоб берар экан, 2030 йилга қадар 65 фоиз темир йўлларни электрлаштириш режалаштирилганини маълум қилди.

Мажлисда транспорт вазирининг ахбороти юзасидан Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати.**

**Эндиликда кимё саноатида 17 миллиард долларлик 350 дан зиёд лойиҳаларни ишга тушириш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, амалий ҳаракатлар бошланади.**

**ЯНГИ РУКН:**

**Истеъдодда ҳикмат кўп**

*“Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир”, деган эди тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино. Дарҳақиқат, амалиёт билан уйғунлаштирилмаган, теран ақл билан қиёсланиб, чархланмаган билимнинг кишиларга фойда келтириши даргумон. Бу эса кишидан катта меҳнат, юксак истеъдод, кунт ва сабот талаб этади. Ана шундай фазилатларга эга инсонлар жамиятнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланиб, мамлакат тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига улкан ҳисса қўшади.*

*Янги Ўзбекистонда ўз бахтини, жамиятдаги ўрнини илм ва меҳнатдан топаётган, шу билан бирга, ҳаётимиз фаровонлигига хизмат қилаётган инсонлар жуда кўп. Уларни барча соҳа ва тармоқларда учратиш мумкин.*

*Газетамизда янги очилган **“Истеъдодда ҳикмат кўп”** рукни орқали юксак билим, қобилият ва маҳорат соҳибларини суҳбатга тортиб, газетхонларни уларнинг муваффақият сирларидан воқиф этиб боришни мақсад қилганмиз.*

# ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

## ФАҚАТ ТЎҒРИ ТАШХИС ҚЎЙИЛИБ, ЎЗ ВАҚТИДА МУОЛАЖА ҚИЛИНСА БАС

*Янги рукнимизнинг биринчи меҳмони ноёб истеъдод соҳиби, қўли енгил шифокор, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг биринчи умумий ортопедия бўлими шифокори, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), травматолог-ортопед Артур МАҲМУДОВ.*



**— Тиббиётнинг йўналишлари кўп-ку, нима учун айнан травматология ва ортопедия йўналишини танлагансиз?**

— Илмда фанлар аниқ ва гуманитарга ажратилгани каби травматология ва ортопедия тиббиётнинг аниқ ва реал соҳасидир. Содда қилиб айтганда, ушбу йўналиш одамларнинг кўзига ташланиб турган касалликларини даволаши билан эътиборимни тортган. Масалан, жарроҳлар беморларнинг ички органларидаги мураккаб жарроҳлик амалиётини бажаргани билан кўзга кўринмайди. Буни фақат ўша беморнинг ўзи танасида ҳис қилади. Аммо бизнинг меҳнатимиз самарасига нафақат бемор, балки унинг атрофидаги барча гувоҳ бўлади. Чунки оқсоқ киши муолажамиздан сўнг тўғри қадам ташлаб, фаол ҳаётга қайтганини кўрганда, қувонмайдиган киши бўлмаса керак. Ана шундай пайтларда травматология ва ортопедия йўналишини танлаб тўғри қилганимга ишончим ортиб бораверади.

**— Меҳнат фаолиятингизни бошлаганингизга ҳам, мана, ўн йил бўлди. Ўтган даврда минглаб беморлар дардига малҳам бўлганингиз табиий. Аммо биринчи мустақил қадам, илк таассуротлар бошқача бўлса керак...**

— Албатта! Бундан уч йил олдин тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун қилган диссертациям ҳимояси арафасида мазкур статистикани ўрганиб чиққан эдим. Шу боис саволингизга аниқ жавоб бера оламан. Яъни шу пайтгача 10 мингдан ортиқ беморларга ташхис қўйиб, даволаган бўлсам, 2 мингдан ортиқ беморларда жарроҳлик амалиётлари ўтказишда бевосита қатнашганман.

Кечагидек ёдимда, биринчи даволаган беморим бир ёшли болакай эди. Ординатурада ўқиб, ҳам ишлаб юрган кезларим, ёш ота-она келиб, ўғилчасининг қўлини кўтаролмаётганини айтишди. Болакай оғриқ зўридан йиғидан тўхтамасди. Кўрсам, қўли чиқиб кетибди. Одатда ёш оналар болаларининг кийимларини алмаштираётганда бехосдан қўлларини чиқариб қўйишади. Дарҳол суякни жойига солиб қўйдим, шу заҳоти бола йиғидан тўхтади. Ўша пайтдаги ҳолатимни, кўнглимдан кечган туйғуларни сизга сўз билан айтиб беролмайман...

Дастлабки беш йилда операцияларни устозларимиз кўмагида олиб бориб, тажриба орттирган бўлсам, кейинги беш йилликда мустақил равишда жарроҳлик амалиётларини ўтказиб келяпман.

**— Кузатишларга қараганда, сўнгги пайтда, айниқса, “COVID-19”дан кейин суяк емирилиши билан боғлиқ касалликлар кўпайгандек, назаримизда. Сиз айнан шу масалада илмий тадқиқот олиб бориш билан бирга, беморларга дармон бўлаётган амалиётчи шифокор сифатида айтинг-чи, бу қанчалик асосли?**

— Қўлимда бу борада расмий статистика йўқ. Шунинг учун сизга аниқ бир рақамни айта олмайман. Бироқ тадқиқот ишим давомида олинган илмий хулосаларга таянадиган бўлсам, суяк касалликлари кўпайишига коронавируснинг таъсири бўлди.

Гап шундаки, устозим профессор Мурод Ирисметов раҳбарлигида “COVID-19”дан кейин сон суяк бошчаси асептик некрозининг клиник кечиши ташхиси ва истиқболини баҳолаш усулларини такомиллаштириш” мавзуидаги илмий изланишимиз чоғида олдимизга “Коронавирусни ўтказган беморлар сон суяк бошчаси емирилишида генетик омил роль ўйнайдими ёки йўқ?” дея савол қўйиб, 115 нафар бемордан қон таҳлилларини олиб, ўргандик. Шу билан бирга, яна 115 нафар “COVID-19” ўтказмаган бемордан ҳам қон таҳлилларини олиб, таққосладик. Шу тариқа Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўзбек популициясида сон суяк бошчаси асептик некрозида генетик омил таъсири ўрганилди. Натижада “COVID-19”дан кейин сон суяк бошчасининг ассептик некрози қўзғалиши генетик омилларга таъсир қилгани ўз исботини топди.

> **Марказимизда 2026 йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ “робот жарроҳлиги”ни йўлга қўйиш, хусусан, ушбу амалиётни тизза бўғимлари касалликларини даволаш жараёнида қўллаш режалаштирилган. Мазкур янгиликнинг афзалликлари кўп. Масалан, операция ўта юқори аниқликда бажарилади. Жараён хавфсизлиги таъминланади. Шифокорга инсон танасининг энг мураккаб қисмлари ҳамда касалликнинг энг оғир даражаларида ҳам эркин ишлаш имконини беради.**

Ҳозирги кунда бунинг даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида устозим Мурод Эргашевич кўмагида илмий ишимни давом эттиряпман. Бунинг учун 200 нафар беморни ўрганишга қарор қилганмиз.

Шу ўринда юртдошларимиздан бир жиҳатга алоҳида эътибор қилишларини сўраб қолардик. Ҳар қандай касаллик эрта аниқланиб, ташхис қўйилса, уни даволаш енгил кечганидек, суяк емирилиши ҳам барвақт аниқланиб, муолажа қилинса, уни жарроҳлик амалиётисиз ҳам даволаш мумкин. Бунинг учун беморлар сон ва тизза суякларида оғриқ сезганида ўтиб кетади деб вақтни бой бермасдан, албатта, шифокорга мурожаат этишлари керак. Касалликнинг нолинчи, биринчи ва иккинчи босқичида келган кўплаб беморларни операциясиз даволаб, соғлом ҳаётга қайтаришга муваффақ бўляпмиз.

Афсуски, кейинги пайтда айрим кишилар касалликнинг оғир, яъни учинчи ва тўртинчи босқичларида бизга мурожаат қилади. Оқибатда операция орқали даво топишмоқда. Аччиқ бўлса-да, айтиш керак, бу касалликнинг зўрайиб кетишида айрим “табиб”ларнинг нотўғри муолажалари ҳам сабаб бўляпти.

**— Бугун тиббиёт ривожи жуда жадал. Соҳага илғор технологиялар, ҳатто сунъий интеллект кириб келди. Ана шундай шароитда операция қанчалик ваҳимали?**

— Дарҳақиқат, тиббиёт ривожланиб кетди. Бундан 4-5 йил илгари ҳам оёғида нуқсони бор, дейлик, оқсоқланиб юрадиган болаларни олиб келишса, фарзандингиз 20 ёшга тўлгандан кейин келинг дер эдик. Чунки юртимизда ёш болаларда оқсоқликни даволаш бўйича жарроҳлик амалиётлари қилинмасди. Бугунги кунда эса Европа тажрибасидан келиб чиққан ҳолда касалликни эрта даволаш амалиёти жорий этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, оқсоқлик ва унга ўхшаш касалликларда жарроҳлик амалиётлари қанча эрта қилинса, асоратлари қолмас экан. Агар у 25 ёшдан сўнг ўтказилса, беморнинг бел ва оёқ қисмларида оғриқлар сақланиб қолиши эҳтимоли юқори бўлар экан...

Ўйлаб кўринг, бола туғма бир оёқ калталиги билан дунёга келди, у ўсгани сари оёқлар узунлиги ўртасидаги фарқ ҳам ортиб бораверади. Айтайлик, 16 — 18 ёшларда оёқ калталиги 3 сантиметр бўлса, 25 ёшда фарқ 8 сантиметрга етса, бу фақат бемор зиёнига ишлайди. Ваҳоланки, амалиётда 3 сантиметргача калталикни тўғриласа бўлади. Тажрибада жарроҳлик амалиётидан сўнг эски ҳолати сақланиб қолганлар, кам бўлса-да, кузатилди. Шунинг учун Германия, Буюк Британия сингари давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, эртароқ операция қилинса, энди жамиятга қўшилаётган ёшларнинг руҳиятида ҳам салбий асоратлар қолмайди. Демоқчи бўлганим, жаҳон тажрибасида 14 ёшдан бошлаб оёқ калталигини тўғрилаш амалиёти ўтказилади ва бу ўзини оқлаяпти. Энг муҳими, бу орқали жисмидаги туғма нуқсонлар сабаб тушкун кайфиятга тушиб, тенгдошларидан ажралиб қолган болаларда ҳеч кимдан кам эмасликларига ишонч пайдо бўлади, ҳаётга муносабати ўзгаради. Бизнинг энг катта ютуғимиз мана шу аслида.



Шу ўринда айримларда, бундай операциялар ёш организмга хавфли эмасми деган савол туғилиши, табиий. Дунё статистикасига қараганда, ҳар 100 бемордан 3-4 нафарининг организми ёт жисмни қабул қилмаслик ҳолатлари учраб туради. Буни беморларга тушунтирамиз, агар уларда ёндош касалликлар бўлса, яъни сурункали тонзиллит, ангина, бод, полиартрит безовта қилиб келаётган, ёши катталарда эса қанд касаллиги, онкологик ёки урологик хасталиклар бўлса, организм қабул қилмаслик ҳолатлари учрайди.

**— Касалликни даволашда тўғри ташхис қўйиш ўта муҳим. Айтинг-чи, фаолиятингизда нотўғри ташхис қўйилган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлганмисиз? Бундай пайтда қалбингиздан қандай кечинмалар ўтади?**

— Тан олиш керак, амалиётда бундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Лекин қачон нотўғри ташхис қўйилиши ёки нотўғри усулда даволаш мумкин? Қачонки касаллик янги бўлса, у ҳақида етарли маълумот бўлмаса. Бироқ бизнинг илмий марказда хасталикни аниқлаш, ташхис қўйишда янглишмаслик учун даволаш стандартлари мавжуд бўлиб, касаллик ҳақида якуний хулосага келишда, албатта, чуқур текширувдан ўтказилиши шарт. Хусусан, беморлардан МРТ, МСКТ текширувлари ва қон таҳлиллари олинади ва касаллик етарли даражада ўрганилиб, сўнгра даволашга киришилади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бел соҳасида, масалан, умуртқа поғонаси чуррасида ҳам беморнинг чов соҳасида оғриқ кузатилади. Дастлабки пайтларда жойларда сон суяк бошчаси ассептик некрози касаллигини умуртқа чурраси деб ташхислаш ҳам кузатилди. Бундай янглиш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида марказимизда барча ҳудудга ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар бириктирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда маҳорат дарслари олиб борилди. Травматология ва ортопедия йўналишидаги шифокорлар малакалари оширилди. Натижада ҳозирги пайтда нотўғри ташхис қўйиш ҳолатлари деярли кузатилмаяпти.

Қувонарли томони шундаки, бугун мураккаб жарроҳлик операциялари туманлар даражасида ҳам ўтказилмоқда. Бу ихтисослаштирилган тиббий хизмат халққа яқинлашганини англатади.

Буни аниқ рақамларда айтсак, вилоятларда 22 турдаги, туман шифохоналарида 5 турдаги янги даволаш ва диагностика усуллари амалиётга татбиқ этилди. Натижада 2024 йилдан буён муассасамизнинг ҳудудий филиаллари орқали минглаб беморларга тиббий ёрдам кўрсатилиб, мураккаб операциялар ўтказиляпти. Шунингдек, фақат марказда бажариб келинган суяклар туннелизацияси ва тромбоцитлар билан бойитилган плазма юбориш, тизза бўғими диагностик артроскопияси, медиал менискэктомия, туғма маймоқликда перкутан ахиллотомия, ахиллопластика ва пайлар транспозицияси, чаноқсон ва тизза бўғимларини тотал эндопротезлаш каби қатор юқори технологик амалиётлар илк бор туман (шаҳар)лар даражасида бажарилди. Бу орқали кўплаб беморларга яшаш жойининг ўзида туриб малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматдан самарали фойдаланиш ва саломатлигини тиклаш имконияти яратилди.

**— Очиғини айтиш керак, травматология ва ортопедия билан боғлиқ жарроҳлик зарур бўлганида юртдошларимиз орасидан чет эл клиникаларини афзал биладиганлар кўплаб топилади. Бунинг сабаби нимада? Хорижий клиникалар жозибадорлиги шифокорларнинг юқори малакаси, тажрибасига боғлиқми ёки замонавий технологияга?**

— Аввало, дунёнинг кўплаб давлатларида бўлган, тажриба алмашган шифокор сифатида бемалол айта оламанки, травматология ва ортопедия соҳасида Ўзбекистон ҳеч бир давлатдан кам эмас. Хусусан, тиббиёти ривожланган мамлакатларда ушбу йўналишда қандай даволаш усуллари бўлса, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам уларнинг барчаси йўлга қўйилган.

Эҳтимол, онкологик ва юрак хасталиги билан боғлиқ касалликларга даво истаб хорижга чиқаётган беморлар бўлиши мумкин. Аммо травматология бўйича анча олдинга чиқиб олганмиз. Ҳозирги кунда ҳатто бел қисмида қилинадиган эндоскопик жарроҳликлар ҳам ўзимизда бажариляпти. Натижада қўшни давлатлардан кўплаб шифокорлар юртимизга келиб ўқиб, малакаларини ошириб кетишяпти.

Марказимизда 2026 йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ “робот жарроҳлиги”ни йўлга қўйиш, хусусан, ушбу амалиётни тизза бўғимлари касалликларини даволаш жараёнида қўллаш режалаштирилган. Мазкур янгиликнинг афзалликлари кўп. Масалан, операция ўта юқори аниқликда бажарилади. Жараён хавфсизлиги таъминланади. Шифокорга инсон танасининг энг мураккаб қисмлари ҳамда касалликнинг энг оғир даражаларида ҳам эркин ишлаш имконини беради. Натижада махсус дастур ёрдамида мураккаб амалиётлар чоғида юзага келиши мумкин бўлган хирургик хатоликларнинг олди олинади.

Муассасамизда ўтган йили 4 турдаги янги диагностика ҳамда 24 турдаги юқори технологияли даволаш усули жорий этилиб, юртимизда травматология ва ортопедия йўналиши бўйича амалиётда қўлланилаётган муолажа усуллари сони 269 тага етказилди.

**— Аммо одамларда миллий тиббиётга нисбатан ишончсизлик кайфияти ҳали буткул йўқолмаган. Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

— Ўз тажрибам ва кузатишларимдан келиб чиқиб, бунинг битта энг муҳим омилини келтираман, у — аҳолининг тиббиёт тизимидаги ўзгаришлардан етарли даражада хабардор эмаслиги. Масалан, бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда марказимиз ҳамкорлигида ҳар чоракда барча вилоятда бир ҳафталик маҳорат дарслари ташкил этилиб, жойлардаги оғир беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш, зарурат бўлса, ўша жойнинг ўзида операция қилиш анъана тусига кирган.

Аммо бундан кўпчиликнинг хабари йўқ. Чунки баъзида ойига икки марталаб муайян ҳудудга бориб беморларни қабул қилаётган бўлсакда, ўша жойдан илмий марказимизга йўл босиб келаётган беморлар бор. Улар билан суҳбатлашиб, бу ҳақида айтганимизда ҳайрон бўлишади. Мана, сизга оддий мисол. Ваҳоланки, аҳолининг хабардорлиги оширилса, вақт, ортиқча пул сарфлаб пойтахтга келиб сарсон бўлиб юрмасдан, ўз яшаш жойида шифо топиб кетишлари мумкин.

Тўғри, Ҳиндистонга сафарим давомида кўплаб юртдошларимизнинг шифо истаб ўша юртга боришаётганига гувоҳ бўлдим. Уларнинг аксарияти билан гаплашиб кўриб, суяк ёки травматология касалликлари билан келганини эшитмадим. Қолаверса, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими истиқболига алоҳида эътибор қаратиляпти. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонни минтақадаги юқори технологик тиббиёт хабига айлантириш бўйича кенг кўламли саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Бу жараёнда тиббиёт муассасаларини энг сўнгги русумдаги диагностик асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш баробарида ёшларнинг ўз истеъдодларини юзага чиқариш, юқори сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратиб беріляпти. Булар тез орада ўзининг юксак самараларини бериши, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида дунёнинг энг илғор давлатларидан бирига айланиши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОН**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

РЕКЛАМА

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги ПҚ — 141-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли ҳамда 2022 йил 25 июлдаги 404-сонли қарорларига асосан Айдар-Арнасой кўллар тизимининг бўш сув ҳавзалари участкалари танлов асосида ижарага берилиши маълум қилинади.***

**Танлов ташкилотчиси:** “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ.

**Манзили:** Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Голиблар шаҳарчаси.

**Телефонлар:** 94 347 62 27, 93 295 99 90, 93 303 44 28.

**Танлов предмети:** Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги **217,9 минг** гектар жами **108 та лотни** балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашни амалга ошириш учун очиқ танлов асосида **10 (ўн) йилга** ижарага бериш.

Талабгорлар танлов ҳақидаги батафсил маълумотларни “Айдар-Арнасой кўллар тизими ” МЧЖдан олишлари мумкин.

Талабгорлардан аризани кўриб чиқиш учун БҲМнинг учдан бир баравари миқдорида тўлов ундирилади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига келиб тушади ва танловни тайёрлаш ҳамда ўтказиш учун ишлатилади. Буюртманомани кўриб чиқиш учун тўланадиган тўловлар қайтарилмайди.

Бундан ташқари, талабгордан сув ҳавзаси участкаси учун белгиланган йиллик ижара ҳақининг 30 % миқдорида тўлов (гаров пули) ундирилади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига келиб тушади ва танлов ғолибининг дастлабки тўлови сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Танловда ғолиб бўла олмаган талабгорнинг ушбу тўлови қайтарилади.

“Траст банк” ХАБ Жиззах вилояти филиали; ҳ/р 2021 0000 9007 4754 5001;

МФО: 00491 СТИР: 304 741 887; “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ.

Тўлов мақсади: “танловда иштирок этиш учун тўлов”.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали буюртма хат билан, аризани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати билан бирга 2 та муҳрланган конвертда (АСЛИ ва НУСХАСИ) қуйидаги ҳужжатларни “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖга тақдим этиши лозим:

1. Кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари (БҲМнинг учдан бир баравари миқдорида тўланганлигини тасдиқловчи);
2. Корхона гувоҳномаси ва устави (низом) нусхаси;
3. Корхона раҳбари паспорт нусхаси, раҳбарликка тайинланганлиги тўғрисида буйруқ, корхонада мавжуд ишчи ходимлар рўйхати (паспорт нусхалари билан);
4. Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа:

4.1. Бизнес-режада қуйидаги асосий қоидалар акс эттирилиши лозим:

— бир йилда ўртача овланиши кутилаётган миқдор;

— иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоблари ҳақидаги маълумотлар;

— киритилиши кутилаётган инвестиция миқдори ва соҳаси;

— балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режанинг молиялаштириш манбалари (талабгорнинг ўз маблағлари ҳисобига, кредитлар ва ҳоказо) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

— ташкил этиладиган иш ўринлар сони;

— ходимлар штатининг тажрибали балиқчилар, ихтиологлар, бошқа мутахассис ва экспертлар билан тўлдирилганлиги.

5. Корхона балансидаги ёки айнан корхона раҳбари номидаги балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситалари (русуми кўрсатилган қайиқлар ва моторли қайиқлар, автотранспорт воситалари, овлаш қуроллари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказолар)нинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;
6. Талабгор корхонанинг умумий ва балиқчилик соҳасидаги фаолият даврига оид маълумот. Хусусан, балиқчилик соҳасидаги муқаддам фаолият олиб борган ва бугунги кунда жамият унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” ДУК билан шартнома асосида иш олиб борганлиги, шартнома бўйича мажбуриятларини бажарган-бажармаганлиги, ижара шартнома бўйича қарздорлиги мавжудлиги;
7. Корхона баланси (ўтган йил якуни ёки жорий йил якунланган чораги бўйича), яъни ўз маблағлари ва молиявий ҳолатлари тўғрисида маълумот;
8. Талабгорнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлари комплекси.

***Талабгордан юқорида кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.***

***Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар жамиятдан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олишлари мумкин:***

1. Танловда қатнашиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати;
2. Танловга қўйилган сув ҳавзаси участкаларига оид маълумотлар:

-сув ҳавзаси участкаси (контури)нинг рақами;
-сув ҳавзаси участкасининг жойлашган координатлари;
-сув ҳавзаси участкасининг майдони;
-сув ҳавзаси участкасининг харита-схемаси;
-сув ҳавзаси участкасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги;
-сув ҳавзаси участкасининг йиллик ижара ҳақи миқдори.

3. “Айдар-Арнасой кўллар тизими” участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартнома лойиҳаси билан жамиятда танишишлари мумкин.

**Талабгорларнинг танлов таклифлари жойлашган конвертлар:**

**<u>2026 йил 3 июль</u> куни соат 10.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Бешқувур кўчаси, 56-уйда жойлашган Сирдарё — Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маъмурий биносида очилади.**

**Танловга оид ҳужжатлар танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида, яъни 2026 йил 2 июль куни соат 12.00 га қадар жамият маъмурий биносида қабул қилинади.**

**2026 йил 1 июлдан Ўзбекистон фуқароларига миллий чолғу асбобларини сотиб олиш харажатларининг 30 фоизини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тизими жорий қилинади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 170 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6